

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Хоразм ХЭТ” АЖ



Капитал қурилиш директор

Ш.Э.Аллазаров

« 15 » « 02 » 2022 й

Энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Янгиариқ туманидаги Иссиқхона учун 110/35/10 кВли ПС "КС-3" ва янги қуриладиган ИЭСдан объектгача 2х10,5 км узунликдаги икки занжирли 110 кВли хаво тармоғини қуриш.

Урганч -2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қием

III. Нархлар қиеми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Янгиариқ туманидаги Иссиқхона учун 110/35/10 кВли ПС "КС-3" ва янги қуриладиган ИЭСдан объектгача 2x10,5 км узунликдаги икки занжирли 110 кВли хаво тармоғини қуриш.

1.2. Танловнинг юкори қиймати ККС билан – 4 035 993 400 (*тўрт миллиард ўттиз беш миллион тўққиз юз тўқсон уч минг тўрт юз*) сум. У шбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қиемда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: шартнома имзоланган кундан бошлаб 90 қалендар кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – 30 фоиз аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Хоразм ХЭТК” АЖ (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) - танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси 36/1 уй.

Эл. адрес: horazm-elekt@umail.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов “Хоразм ХЭТК” АЖ “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

2.1. Таклиф этилган шартлар бўйича тендерда мурожаат билан маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари иштирок этишлари мумкин. Икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига рухсат этилмайди.

Тендерда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ваколатлари ва шартнома тузиш ваколати борлиги;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффицентдан кам бўлмаган);

тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффицентдан кам бўлмаган);

тендер қатнашчисининг қурилиш соҳасидаги электрон рейтинг даражаси энг камида “ССС” даражада бўлиши лозим.

2.2. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 10 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

2.3. Тендерда қатнашиш учун танлов иштирокчиси банк ҳисоб рақамида буюртмачи томонидан талаб қилинган айланма маблағга эга эканлиги тўғрисида тижорат банк томонидан тасдиқланган маълумотнома, ёки буюртмачи томонидан талаб қилинган миқдорида айланма маблағлар билан таъминлаш тўғрисидаги тижорат банк кафиллиги

2.4. Айланма маблағлар миқдори буюртмачи томонидан талаб қилинганидан кам миқдорини ташкил этган ҳолларда, иштирокчи айланма маблағлари мавжудлиги ҳақидаги банк тасдиқлаган маълумотномани ва етмаётган суммага банк кафиллигини тақдим этади.

2.5. Банк кафолати фақатгина керакли лимитлар ва кредит ресурслари билан таъминланган юқори турувчи банк ёки кредит комитетининг тасдиғига эга бўлган банк муассасаси томонидан берилиши мумкин. Бунда банк кафиллигида тасдиқловчи ҳужжатнинг рақами, санаси ва юқори турувчи банк раҳбарининг фамилияси, исми кўрсатилади.

2.6. Тендер иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. Шаклни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони иштирокчи томонидан мустақил кўрсатилади. Кўрсатилган ходимларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, уларни иш стажи ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси тақдим этилиши шарт.

2.7. Тендер иштирокчисининг охириги уч йилдаги молиявий аҳволи. Шаклга иштирокчи аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаларини илова қилишга мажбур.

2.8. Тендер иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари. Шакл ташкилотнинг тегишли ҳисобот даври асосида тўлдирилиб, тегишли солиқ органлари томонидан тасдиқланади.

2.9. Тендер предметига ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси. Ушбу жадвалда иштирокчи тендер предметига ўхшаш ишларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак. Шаклда кўрсатилган маълумотларни тасдиғи сифатида давлат қабул комиссияларининг далолатномалари (агар иштирокчи ёрдамчи пудратчи сифатида бўлган бўлса ҳисоб-фактура маълумотномалари) илова қилинади.

2.10. Иштирокчи ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати. Агар бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ижара ва лизинг асосидаги машина ва механизмлардан фойдаланишга руҳсат этилади. Бунда иштирокчи лойиҳани бажариш даврида ҳақиқий бўлган лизинг ёки ижара шарномасининг нусхасини илова қилиши керак.

2.11. Иштирокчининг тендер ўтказилаётган даврдаги жорий пудрат шартномалари (объектлари) бўйича маълумот.

2.12. Тендер қатнашчиси ISO сертификатига эга эканлиги.

2.13. Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензия.

2.14. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатларининг нусхалари.

2.15. Юқорида сўралган шакллар ва ҳужжатларга иштирокчи кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши керак.

Қуйидаги иштирокчиларга тендер жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

Тендер таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар тендер иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Тендер иштирокчилари танишиб чиқиш ва тендер таклифини тузиш мақсадида, тендер предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график қисми (чизмалари)ни тақдим этилиши ҳақида буюртмачига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Буюртмачи объектнинг лойиҳа ҳужжатларини, шунингдек унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианты) ни тендер иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

3. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник ҳужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш ҳужжатлар руйхати илова қилинади);

- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвалтулдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва унинг махфийлигини , ошкоралигини таъминлаши асосланган қарор қабул қилиш бўйича маъсул

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.


КЕЛИШИЛДИ:

Харид комиссияси раиси :

 Ш.Э.Аллазаров


Харид комиссияси аъзолари :

 С.Р.Ғайпова

 Т.Ш.Матмуратов

 А.Б.Каримов

М.Ш.Назаров

 А.А.Каримов